

## **ISSUES OF INTRODUCTION OF THE BOLONIAN PROCESS IN CREATING AN INNOVATIVE ENVIRONMENT IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN**

**Kadamboev Behzod**

Student of the Faculty of Economics, Urdu State University

**Annotation:** The article examines the current state of the Higher Education in Uzbekistan and the role of Bologna Process to create innovative environment in Higher Education System of Uzbekistan. In addition, issues related to the implementation of this process in the higher education system will be discussed.

**Key words:** Higher Education, Bologna process, diploma supplement, credit system, quality of education, mobility, qualification.

## **ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН МУХИТНИ ЯРАТИШДА БОЛОНЬЯ ЖАРАЁНИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Кадамбоев Бехзод**

УрДУ Иқтисодиёт факултети талабаси

**Аннотация:** Мақолада Ўзбекистон Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва Болонъя жарёниниң Ўзбекистон Олий таълим тизимида инновацион мухит яратишдаги ахамити кўриб чиқилади. Шунингдек, олий таълим тизимида ушбу жараённи тадбиқ этишдаги муаммолар муҳокама қилинади.

**Аннотация:** В статье рассматривается текущее состояние высшего образования в Узбекистане и роль Болонского процесса в создании инновационной среды в системе высшего образования Узбекистана. Кроме того, будут обсуждаться вопросы, связанные с внедрением этого процесса в систему высшего образования.

**Калит сўзлар:** олий таълим, Болонъя жараёни, диплом иловаси, кредит тизими, таълим сифати, мобиллик, малака.

**Ключевые слова:** высшее образование, Болонский процесс, кредитная система, качество образования, мобильность, квалификация.

**Кириш.** Дунё миқёсида ижтимоий-иктисодий муносабатлар тизимида глобаллашув жараёнлари юз бераётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ушбу жараёнлар олий таълим тизимини ҳам қамраб олиб, асосий мақсад таълим самарадорлигини ошириш, таълимнинг халқаро қамровини қўллаб-қувватлаш, энг мухими олий таълим тизимини модернизация қилишда замонавий услубларни қўллашдан иборатдир. XXI асрдаги тадқиқотлар майдони эндиликда бўлаётган воқеа ҳодисаларга яхлит нуқтаи назар билан қарашни, фикрлар алмашинувини кучайиришни тақоза қилмоқда. Фан ва таълим соҳасидаги бундай юқори тенденциялар ва байналминаллашув муайян мутахассислик соҳалари ва бошқа тегишли тадқиқот йўналишларида кўпроқ билим олиш имкониятини бермоқда. Бу эса, билимларга асосланган ва барқарор иқтисодиётни мустаҳкамлашнинг мухим омилларидан бири хисобланади.

Ушбу мақсадларни амалга оширишда Болонъя жараёни ўзига хос аҳамият касб этади. Болонъя жараёни ҳозирда дунёning 48 та мамлакатига ёйилди, шулардан 28 таси Европа Иттифоқидаги мамлакатлар бўлиб, қолган 20 таси Европа иттифоқидан ташқари мамлакатлардан иборат.

Шунингдек, дунё бўйича 23 та мамлакат Болонъя жараёнида қузатувчи сифатида қайд этилган. Бугунги кунда МДХ таркибига кирувчи 11 та давлатдан 7 таси: Россия, Украина, Озарбайжон, Арманистон, Молдова, Беларуссия ва Қозоғистон Болонъя декларациясини қабул қилган расмий аъзолар ҳисобланади [1]. Бошқа давлатларда ҳам Болонъя жараёни тамойиллари фаол муҳокамаси амалга оширилмоқда ва унинг ўзига хосликларини ҳамда мазкур тамойилларни турли давлатларда қўлланилиши диққат билан ўрганилмоқда. Болонъя жараёни муваффакиятли қўлланилаётган мамлакатлар таълим тизимида юқори сифат даражасининг ўсишини қузатиш мумкин[2].

2018 йил 24 октябрь куни Олий таълимни ривожлантириш бўйича ўтгазилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат олий таълим тизимини даврдан ортда қолган деб атади. Мамлакат президенти олий таълим муассасалари ва уларнинг профессор-ўқитувчиларининг халқаро илмий ҳамжамиятда нуфузини ошириш масалаларига ва таълим жараёнига жаҳонда тан олинган олимларни, юқори малакали илмий ходимлар ва ўқитувчиларни жалб қилишни йўлга қўйиш масалаларини алоҳида таъкидлади [6].

Болонъя жараёнларига Ўзбекистоннинг қўшилиши келажакда юқори малакали кадрларлар тайёрлашда, кадрларнинг интелектуал қобилиятларини қўллаб-куватлашда, олий таълимнинг интернализациясида ва унинг халқаро стандартларга мослашишида ва умуман олганда таълим жараёнларида кенг ислоҳатларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Болонъя жараёнига оид асосий малумотлар базаси Европа олий таълим майдони ва Эрасмуст мобиллик дастурининг сайтларида берилган.

Шу билан биргаликда Clifford Adelman ушбу жараённинг вужудга келиши, принциплари ва унинг АҚШ олий таълим тизимига таъсири, Laurel S. Теггунинг Болонъя жараёнларининг моҳиятини очиб берадиган китоби, Magdalini Kolokitha Болонъя жараёни ва глобализация жараёнларининг боғлиқлигини кўрсатиб ўтадилар.

Ўзбекистон олий таълим тизими билан боғлиқ маълумотларни таҳлили қилишда Олий таълим Вазирлигининг расмий сайти ва Миллий Қонунчилик сайтлари маълумотларидан фойдаланилди.

**Методология.** Мазкур мақоладаги фикрлар ва натижалар асосан қиёслаш ва анализ тадқиқот усулларидан фойдаланиб олинган бўлиб, шу билан биргаликда керакли натижаларга эришиш мақсадида дедукция, синтез ва абстракциялаш усулларидан ҳам кенг фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Болонъя ўқитиши жараёни 1998 йилда Европа иттифоқидаги тўртта мамлакат Франция, Германия, Италия ва Бирлашган Қироллик вакиллари томонидан имзолангандан келишувга кўра ташкил қилинган эди. Болонъя таълим тизимига кирган давлатлар таълим вазирлари 1998 йилдан 2018 йилгача бўлган муддатда 10 марта учрашганлар. Бу учрашувлар натижасида Болонъя жараёни дастурлари ва обектлари кенгайиб борган.

Болонъя жараёни бир нечта мамлакатда таҳсил олиш дастурларининг мавжудлиги туфайли чет элда ўқиш имкониятларини оширади. Ўрганувчилар мутахасислик доирасидаги билимлар алмашинуви натижасида юқори малакага эга бўлиш билан бир қаторда, ўзи таҳсил олаётган мамлакатнинг маданияти ва тилини ҳам ўрганиш орқали ўз дунёқарашларини кенгайтиришади. Бу эса уларнинг келажакда соҳаси бўйича кучли номзод бўлиб етишишига кўмаклашади.

2019-йилда Ўзбекистонда 91 та олий таълим муассаси мавжуд бўлиб, 2 та академия, 1 та консерватория, 1 та олий маҳорат мактаби, 23 та университет, 33 та институт, 20 та маҳаллий ОТМ филиаллари ва 11 та хорижий олий таълим муасссалари филиаллари фаолият юритган. 2020 йилда яна 13 та олий таълим муасссалари очишлиши режалаштирилган эди. Шунингдек, 8 та хорижий олий таълим муассаси филиали, 22 та қўшма факултет ва 46 та қўшма таълим маркази (Double Degree) ташкил этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда[11].Хозирда ОТМ лар сони 130га етди. Шуниси ачинарлики, олий таълим муасссалари қўпличиликни ташкил қиласада, улардан ҳеч бири халқаро рейтингда муносиб ўринга эга эмас. Ўзбекистоннинг Болонъя жараёнларига қўшилиши халқаро фикрлар ҳамкорлигини қўллаб-куватлашда ва таълим сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда Болонъя жараёни орқали Олий таълим тизимини модернизациялашда инновацион ёндашувлар ва жараёнга қўшилишнинг техник омилларини муҳокама қилиш, Болонъя жараёни тамойилларини шакллантириш ва жорий этиш асосий масалалардан ҳисобланади.

Болонъя жараёнига қўшилишда бевосита унинг тамойилларини амалга ошириш зарурияти туради. Болонъя жараёнининг асосий тамойилларини мамлакатлар Олий таълим тизимини қайта куриш борасидаги йўналишлар белгилаб беради. Ушбу тамойиллар З босқичли таълим жараёни (бакалаврият, магистратура ва докторантурা босқичларини) ни қамраб олади.

### Болонъя жараёнининг асосий тамойиллари:



Берилган маълумотлар асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

Европа олий таълим тизимининг халқаро рақобатбардошлигини ва Европа фуқароларининг иш билан таъминланиш даражасини оширишда **Диплом иловаси (Diploma Supplement)** орқали содда ва ўхшаш даражалар тизимиға мослашишдан иборат. Диплом иловаси - ҳар бир битирувчига малакага қўшимча равишда тақдим этиладиган хужжат шакли бўлиб, мамлакат таълим тизимини, таълим муассасасида қатнашган дастурни, дастур доирасида ўрганилган асосий йўналишларни характерлайди. Болонъя дипломига илова халқаро шаффоффлик, академик ва касбий малакаларни тан олишни кучайтириш мақсадида олий таълим тўғрисидаги дипломга илова қилинадиган хужжат хисобланади. Бошқача қилиб айтганда, у битирувчи олган диплом мазмунини ёритиб беради.

Ўзбекистонда ҳозирда олий таълим муасссалари битирувчиларига тақдим этиладиган диплом ўз иловаси (Рейтинг дафтарчасидан кўчирма)га эга бўлиб, унда битирувчиларнинг фанлар доирасида эгаллаган билимлари бўйича натижалар акс эттирилади. Шуни айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда битирувчиларга бериладиган диплом иловасини Болонъя давлатлари олий таълим тизимидағи диплом иловасига мослаштириш ушбу жараёнга қўшилишда муҳим аҳамиятга эга.

### Болонъя жараёни давлатларида[4] ва Ўзбекистонда битирувчиларга бериладиган диплом иловаси (рейтинг дафтарчасидан кўчирма):

1-жадвал

Болонъя мамлакатлари	Ўзбекистон
Малакани эгаллаётган шахс хақида маълумот Ф.И.Ш Тугилган йили, жойи Паспорт маълумотлари	Малакани эгаллаётган шахс хақида маълумот Ф.И.Ш
Эришилган малака тўғрисида маълумот Малаканинг номи (асосан иккى тилда) Асосий тахсил соҳаси Малака билан таъминлаётган муассаса номи Университетда олинган таълим ва	-Олий таълим муассаси номи -Таълим йўналиши ва коди

имтихонлар тили	
<i>Эришилган малаканинг умумий тавсифи</i> - Малаканинг миллий таълим тизимидағи аник даражаси - Малакани эгаллаш учун кетган вақт, таълим шакли	йўқ
<i>Тахсилнинг таркибий тузулмаси ва еришилган натижалар</i> Ўзлаштирилган фанлар ва улар бўйича маълумотлар	Тахсилнинг таркибий тузулмаси ва эришилган натижалар Ўзлаштирилган фанлар Битирувчининг умумий рейтинги ва ўзлаштириш даражаси Ажратилган соатлар миқдори Курс иши ва амалиёт, битирув малакавий иши бўйича баллар
<i>Малаканинг вазифаси ва мақсади тўғрисида фикр</i> <i>Кўшимча маълумотлар</i>	йўқ

Юқорида кўриб турганимиздек, Болонья давлатларидағи диплом иловаси битирувчининг касбий маълумотларини тўлиқ акс эттиради. Шу билан бир қаторда, Болонья давлатларининг кўпчилигига диплом илова икки тилда берилади.

Ўзбекистонда диплом иловаси давлат тили (ўзбек тили)да бўлиб, бунда диплом иловасининг инглиз тилидаги вариантини ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлган бўларди. Бунда инглиз тилидаги нусхасини олиш ихтиёрий тарзда бўлиб бу битирувчининг хорижга чиқиши ёки чиқмаслик борасидаги хоҳишига қараб аниқланади. Бунинг мухумлиги шунда кўринадики, ушбу ислоҳот Ўзбекистоннинг Болонья жараёнларига қўшилишида мухим аҳамият касб этади, ҳамда талабаларнинг хорижда ўқишига борища диплом иловасини қайта таржима қилдириш ва тасдиқлатиш билан боғлиқ харажатлар ва вақтнинг тежалишига олиб келган бўларди.

Яна бир мухим масала бу диплом иловасида бериладётган малака ва унинг вазифалари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳам кўрсатилиб ўтилишига аҳамият қаратиш лозим. Чунки олий таълим муассаларининг кўчилик битирувчилари ишга ёлланиш борасида мутахassisliginинг вазифалари билан боғлиқ муаммога дуч келишмоқда.

**Уч сикли таълим жараёни** бакалаврият, магистратура ва докторантураси босқичларидан иборат бўлиб, иккинчи босқичга ўтиш биринчи босқичнинг муваффакиятли равишда тугатилишини талаб қиласди. Болонья жараённининг дастлабки йилларида таълим шакли икки босқичли бўлиб, 2003 йил Берлин учрашувидан кейин докторантураси учинчи сикл сифатида қўшиласди. Болонья дастурига кўра биринчи босқич камидаги 3 йилни, магистратура 1-2 йил, докторантураси эса 3 йилни талаб қиласди.

Ўзбекистонда бакалаврият 4 йилдан иборат. Магистратура босқичи эса ислоҳ этилиш даврида бўлиб эндиликда у икки кўринишда:

1. Ишлаб чиқариш (камидаги бир йил) йўналишида магистрларни тайёрлаш умумий курслардан бирлашган марузалар ҳамда мутахassislikka мос корхона ёки ташкилотлар базасидаги амалиётлар асосида;

2. Илмий-педагогик (камидаги икки йил) йўналишида магистрларни тайёрлаш умумий курслардан бирлашган марузалар асосида назарий билиmlар ҳамда фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари (илмий-ижодий ишлар)га мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юритидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон Фармонига асоссан

мамлакатимизда олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг уч йилга мўлжалланган икки босқичли тизимга ўтиши жорий қилинди. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22 майдаги № 304-сон қарори билан “Олий ўқув юртидан кейинги таълимнга қўйиладиган давлат талаблари”, “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида” Низом тасдиқланди. Бунга кўра Ўзбекистонда олий таълимдан кейинги таълим икки кўринишдаги илмий даражалар - PhD (Doctor of philosophy) ва фан доктори (Doctor of science) бериладиган бўлди. Навбатдаги масала, ушбу қонунчилик хужжатларини қайта кўриб чиқиш ва Ўзбекистондаги академик даражалар ва унвонлар билан боғлиқ масалаларни халқаро стандартларга мослаштиришдан иборатдир.

**ECTS (European Credit Transfer System)**- Европа кредит узатиш ва йиғиш тизими таъбаларнинг иш юки ва дастурнинг таълим натижаларига асосланиб, институт ва мамлакатлар бўйлаб кредитларни ўтказиш орқали мобилликни оширишга қаратилган. Кредит тизимини киритишдан мақсад таълимнинг шаффоғлигини ва академик билимларни ҳамда квалификацияни тан олишни осонлаштириш ҳисобланади. Олий таълим муассасалари учун ягона кредитларни ўрнатилиши эса тингловчиларнинг мобиллигини таъминлашга ёрдам берди. Ушбу тизим Европа Университетларида 1989 йилда ўтказилган тадқиқотлардан мувафақиятли ўтди ва қабул қилинди.

Бугунги кунда Европа кредит тизими Европанинг деярли барча давлатларида тан олинган ва амал қилувчи тизимdir. Тингловчи ўрнатилган кредит балларини тўплаган тақдирдагина диплом олишга муваффақ бўлади. Кредит тизими таълим жараёнида ўқилган соатлар миқдорини эмас, балки эришилган натижани кўрсатиб берувчи ўлчов бирлигидир. Яъни мутахассисни компетентлик даражасига баҳо берувчи натижага қаратилган ўлчов бирлигидир. Ҳар бир ўқув фанига маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Бакалавр босқичи учун ECTS 180-240 бирликка, магистратура учун 90-120 бирликка тенг[5].

Кредит таълим технологияси ҳамда ECTS асосида баҳолаш тизими Ўзбекистон олий таълим тизимида жорий этилмаган ва ундаги баҳолаш 56-100% ўзлаштириш кўрсатгичи орқали баҳоланмоқда. Бу эса ўз навбатида Европа университетлари билан пассив тарзда икки томонлама (joint degree/dual diploma) таълим олиб боришга ва академик харакатланишни ҳам пассив тарзда ривожланишига сабаб бўлмоқда. Яъни Европа олий ўқув юртларининг Ўзбекистонда олинган таълим кредитлари ва ўқув натижаларини тан олиши жуда қийин бўлади.

**Сифатни таъминлаш (Quality assurance)**- олий таълимнинг сифатини баҳолаш, таълим жараёни мониторингини таъминлаш, таълим муасссалари ва олий таълим дастурларининг сифат тизимини таъминлаш, қўллаб-куватлаш ва такомиллаштириш масалаларидан иборат. Европа даражасида олий таълим сифатини таъминлаш бўйича ҳамкорлик ўзаро ишончни таъминлайдиган ва малака тан олинишига ёрдам берадиган умумий мезон ва услубларни ишлаб чиқишга қаратилган.

2017 йилнинг 20 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПФ-2909 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур фармон билан 2017-2021 йилларда Олий таълим даражасини сифатли ва тубдан такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш комплекс чора-тадбирлари тасдиқланди. Шунингдек Ўзбекистонда таълим тизими сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида 2017 йилнинг 18 июлида “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспексияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги №515 қарори қабул қилинди[12]. Бу ерда, асосий мақсад бўлиб, таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш сифатини назорат қилиш, педагог кадрларга малака тоифаларини бериш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш ҳисобланади.

Ўзбекистонда таълим тизими сифати ва самарадорлигини оширишда бугунги кунда олий ўқув юртлари учун энг асосий нарса касбий стандартлар ва иш берувчиларнинг талабларини чукур ўрганиш керак. Бу орқали олий таълимда бозордаги талабдан келиб чиқсан ҳолда мутахассисликлар кесимида ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларни мунтазам равишда янгилаб бориц лозим.

**Мобилликни ошириши-** Болонья жараёни, шунингдек, Европа олий таълим худудида талабалар, олимлар ва маъмурӣ ходимларнинг ҳаракатланишини рағбатлантиришга қаратилган. Европа мобиллик дастурлари орасида Темпус ва Эрасмус дастурлари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирда ушбу дастурлар умумий Эрасмус+ номи билан аталади.

Мобиллик дастури таълим сифатини таъминлашдаги аҳамиятини қуидагиларда кўриш мумкин[4]:

- талабаларда бошқа мутахассислардан билим олиш натижасида янги билимлар базасини тўлдириш, қиёслаш имкониятига эга кенг дунёқарашли мутахассис бўлишга имкон яратади, бу эса ўз ўрнида рақобат кучли бўлган меҳнат бозорида талабга жавоб беради оладиган кадрнинг етишиб чиқишига таъсир кўрсатади, миллӣ иқтисодиётни ривожлантиришга таъсир эта оладиган меҳнат ресурслари сифатини оширади;
- тадқиқотчиларга янги материаллар беради ва илмий иш натижаларнинг апробациясини ташкил этиш имкониятини кенгайтиради;
- ўқитувчиларда таълим жараёнида мутахассис ва педагог сифатидаги компетентлигини оширади ва креатив тафаккурни ривожлантиришга таъсир этади.

Ўзбекистон олий таълим муассасаларининг Эрасмус+ мобиллик дастури бўйича 2017-йилда 67 лойиха таклиф қилинган бўлиб, Ўзбекистонда 35 та лойиха доирасида 205 та талаба ва ходимлар Европада таҳсил олиш имкониятини қўлга киритишган[8].

**Хулоса ва таклифлар.** Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон олий таълим тизимида Болонья жараёнларига қўшилиш, Болонья жараёни талабларини бажариш шунингдек, унинг мақсадларини амалга ошириш борасида бир нечта муаммоларни кузатиш мумкин. Олий таълим тизимининг Болонья жараёнларига қўшилиши мамлакатда кенг дунёқарашли, ўз соҳаси бўйича етук мутахасислар тайёрланишида, Ўзбекистонда олий таълимнинг байналминаллашувида, “халқаро фикрлар ҳамкорлиги”нинг яратилишида, олий таълимнинг халқаро стандартларга мослашишида, умуман олганда Ўзбекистонда олий таълим тизимининг модернизациясида муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақсадга эришишда, юқоридаги ислоҳатларга қўшимча равишда қуядагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз:

- Ўзбекистонда битирувчиларга бериладиган диплом иловасини халқаро намунага мослаштириш ва диплом иловасини инглиз тилидаги вариантини ҳам жорий этиш;
- юқорида кўрсатиб ўтилганидек, баҳолашнинг кредит тизими Европа иттифоқидаги қўплаб мамлакатлар қатори бошқа давлатлар олий таълим тизимида ҳам қўлланилмоқда. Ўзбекистон олий таълим тизимида ҳам муайян таълим йўналишлари ёки мутахасисликлар бўйича эксперимент тариқасида аста-секинлик билан, чуқур ўйланган ҳолда, кредит тизими ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлган бўларди;
- мобиллигини оширишда асосий муаммолардан бири бўлган чет тилларни ўрганишга алоҳида аҳамият бериш керак. Бунда талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида хорижий тилларни чукурроқ ўрганишга эътибор қаратиш;
- Ўзбекистонда давлат-хусусий шерикчилик асосида хусусий олий таълим муассалари тармоғини қўллаб-куватлаш орқали рақобат мухитини яратиш ва таълим сифатига эришиш.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Laurel S. Terry. The Bologna process and Its impact in Europe: It's so much more than degree changes. <http://unesdoc.unesco.org/images/0022/002206/220649e.pdf>
2. David Crosier, Teodora Parveva The Bologna Process: Its impact in Europe and beyond UNESCO: International Institute for Educational Planning. <http://unesdoc.unesco.org/images/0022/002206/220649e.pdf>
3. Clifford Adelman, “The Bologna Process for U.S. Eyes: Re-learning Higher Education in the Age of Convergence”. Institute for Higher Education Policy, 2009
4. Rihsiyeva G.Sh.Kredit mobillik ta’lim sifatini oshirishning muhim omili sifatida. Oliy ta’lim taraqqiyoti istiqbollari. ©2016 National Erasmus+ Office in Uzbekistan.

**International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities**  
**Hosted from Basel, Switzerland**

**<https://conferencea.org>**

**December 30<sup>th</sup> 2021**

- 
- 5. Tish Bourke. Guide to The Bologna Process.The UK H.E Europe Unit.  
<https://www.unl.pt/data/qualidade/bolonha/guide-to-the-bologna-process.pdf>
  - 6. <https://www.gazeta.uz/oz/2018/10/24/oliy-talim/>
  - 7. <http://www.erasmusplus.uz/uz/bolonskiy-process/maqsad/index.htm>
  - 8. [https://ec.europa.eu/assets/eac/erasmus-plus/factsheets/asia-central/erasmusplus\\_uzbekistan\\_2017.pdf](https://ec.europa.eu/assets/eac/erasmus-plus/factsheets/asia-central/erasmusplus_uzbekistan_2017.pdf)
  - 9. <https://www.timeshighereducation.com/student/best-universities/best-universities-world>
  - 10. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)